



▼ Sayyor qabul

MUROJAAT, MULOQOT, YESHIM

Avval xabar berganimizdek, o'tayotgan haftada viloyatimizning tuman va shaharlarida Respublika ishchi guruhi boshchiligidagi viloyat sektor rahbarlari, sud-huquq idoralari mas'ullari, vazirlik va tashkilot mas'ullarining ommaviy sayyor qabullari bo'lib o'tdi.

2

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ТАБРИК

Қадрли ватандошлар!

Аввало, сиз, азизларни, юртимиздаги барча мўмин-мусулмонлар ва бутун халқимизни эзгулик, хайру саховат ва меҳр-оқибат оғи бўлган Рамазони шарифнинг кириб келиши билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Ушбу қутлуг айёмда мана шундай мунаввар ойни эл-юртимиз билан биргаликда тинч ва осойишта муҳитда кутиб олаётганимиз учун Аллоҳ таолога беҳисоб шукроналар айтаимиз.

Ҳозирги вақтда барча соҳа ва тармоқлардаги ислохотларимиз муқаддас ислом динининг одаимийлик моҳиятига уйғун бўлган "Инсон қадри учун, инсон бахти учун" деган эзгу ғоя асосида амалга оширилаётганини қўллаб-қувватлаш мисоллари кўриш мумкин.

Жумладан, ижтимоий ҳимоя тизими самарасини юксалтириш, беморлар, ногиронлиги бўлган, кекса ва ёрдамга муҳтож инсонларни, ёшлар ва хотин-қизларни, чет эллардаги фуқароларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, фарзандларимизнинг таълим-тарбиясига эътиборни кучайтириш, муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳларни обод қилишга қаратилган саъй-ҳаракатлар тобора кенгайиб бораётганини таъкидлаш лозим.

Бу борада бошлаган ишларимизни изчил давом эттириш, юртимиздаги тинч ва фаровон ҳаётни, миллатлар ва динлараро ҳамжиҳатлик

муҳитини кўз қорачигидек асраб-авайлаш бундан буён ҳам доимо эътиборимиз марказида бўлади.

Пок ниятлар ижобат бўладиган ушбу қутлуг ойда жаҳоннинг турли минтақаларидаги уруш-жанжаллар, низо ва адоватлар барҳам топиб, бутун дунёда тинчлик, ўзаро ҳурмат, бағрикенглик ва ҳамкорлик барқарор бўлишини чин дилдан сўраб, дуолар қиламиз.

Ёр юзидаги барча мўмин-мусулмон биродарларимизни, дўст ва ҳамкорларимизни Рамазон ойининг бошланиши билан самимий қутлаб, уларнинг мамлакатлари ва халқларига осойишталик, равнақ ва фаровонлик тилаймиз.

Азиз ватандошлар!

Рамазони шарифни оила ва яқинлар даврасида катта хурсандчилик билан кутиб олаётган сиз муҳтарам юртдошларимни яна бир бор табриклаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахту саодат, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Ушбу муқаддас ойда қилинадиган ибодат ва дуолар, эҳсон ва амалларни Парвардигори олам ўз даргоҳида қабул этсин!

Халқимизнинг эзгу орзу-интилишлари руёбга чиқсин!

Рамазон ойи барчамизга муборак бўлсин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Паркентсойнинг

БҲЙЛАРИГА БАҲОР КЕЛДИ...

▼ Бунёдкорлик

Паркентнинг баҳори бошқача бўлади. Совуқ ва аёзли киш кунлари ортга чекиниб, унинг ўрнини соғиниб қутилган кўк-лам эгаллай бошлаган чоғда бу сўлим гўшанинг ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олган кишининг дарди бўлса арийди, баҳридили очилади.

Бордию сиз кўкламги лола сайлининг ишқибози бўлсангиз, ҳаёт ташвишлари билан чалғиб, бу фусункор мавсумни ўтказиб юборган бўлсангиз, ҳечам иккиланмай, тўғри Паркент тарафларига келаверин! Борлиқни саратон жазирамаси "қовураётган" паллада бу ерда қорлари ёзгача эрмайдиган тоғлар этагида барқ уриб очилган қизғалдоқларни учратасиз. Худди вақт ортга қайтгандек бўлиб, она табиатнинг бетимсол мўъжизалари сизни қарши олади. Буни билиб қолган шаҳарликлар, қўйингки, юртимизнинг чор тарафидан келган меҳмонлар ўтирган автокарвонларнинг кети узилмаслиги шундан...

4

▼ Эҳтиром

Миллий қўшиқчилик санъати йўлидаги фидокорона ишоднинг юксак эътирофи

Миллий қўшиқчилик санъатимизнинг толмас тарғиботчиси, Ўзбекистон халқ артисти Ғуломжон Ёқубов ўзининг жўшқин қўшиқлари, ўзига хос ижро услуби билан санъат мухлислари эътиборини қозонган. Шу кунларда санъаткор қутлуг 75 ёшини қаршиламоқда.

(Давоми 2-саҳифада) ►



Viloyat bo'ylab



VILOYATimizning barcha mahallalarida turarjoylar, xiyobonlar, bog'lar, yo'llar, muqaddas qadamjolar hashar bilan tartibga keltirilib, mevali va manzarali daraxt, gul ko'chatlari ekilmoqda. Jumladan, "Inson" ijtimoiy xizmatlar markazi xodimlari qarovchisi yo'q keksalarning xonadoni va tomorqasida hashar tashkil etishdi.



QIBRAY tumanidagi "Imkon" reabilitatsiya markaziga ega davlat ko'p tarmoqli ixtisoslashtirilgan maktabgacha ta'lim tashkilotida pedagoglar uchun seminar tashkil etildi. Unda Toshkent shahri va viloyati ta'lim muassasalaridan kelgan ishtirokchilar markazda alohida ta'limga ehtiyoji bo'lgan 2-7 yoshdagi bolalar uchun yaratilgan sharoitlar bilan tanishib, o'zaro tajriba almashishdi.



OHANGARON shahrining "No'g'ayqo'rg'on" mahallasida "Uch avlod uchrashuvi" bo'lib o'tdi. Unda kexsa avlod vakillari hamda namunal oila boshliqlari yoshlarga hayotiy tajribalari haqida so'zlab berishdi.



VILOYATimizda joylashgan Prezident, ijod, sport va ixtisoslashtirilgan maktablar o'rtasida "Teatr ibratxonadir" shiori ostida o'tkazilayotgan tanlovning viloyat bosqichi yakunlandi.



Respublika ma'naviyat va ma'rifat markazi **ANGREN** shahar bo'linmasi tashabbusi bilan Toshkent viloyati "Jasorat" maktabi tarbiyalanuvchilari o'rtasida "Zakovat" intellektual o'yini o'tkazildi.



ZANGIOTA tumanidagi ixtisoslashtirilgan maktabda Respublika ma'naviyat va ma'rifat markazi tuman bo'linmasi hamda din ishlari bo'yicha qo'mita vakili ishtirokida "Jaholatga qarshi ma'rifat" mavzusida targ'ibot tadbiri bo'lib o'tdi.



Миллий қўшиқчилик санъати йўлидаги фидокорона ижоднинг юксак эътирофи

Пойтахтимиздаги "Халқлар дўстлиги" санъат саройида хонанда, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти Ғуломжон Ёқубов таваллуд санаси муносабати билан катта концерт дастури бўлиб ўтди.

Мусликий оқшомга миллий қўшиқчилик санъатимиз мухлислари, муътабар онахон ва отахонлар, мусиқасевар ёшлар тақлиф этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг "Ўзбекистон халқ артисти Ғуломжон Ёқубовни мукофотлаш тўғрисида"ги фармони Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Хайриддин Султонов ўқиб эшиттирди. Унга кўра, Ғуломжон Ёқубов миллий қўшиқчилик санъатимизни ривожлантириш борасидаги хизматлари, ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун "Буюк хизматлари учун" ордени билан тақдирланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева мукофотни санъаткорга топширди.

Ғуломжон Ёқубов 60 йилдан буён санъат йўлида хизмат қилиб келмоқда. У 45 йилдан ортиқ Ўзбекистон филармониясида меҳнат қилиб, халқимиз учун манзур бўладиган қўшиқлар яратди. Унинг қўшиқлари мамлакатимиз ҳудудидан олисларда ҳам бугун жаранг сочмоқда. Ғуломжон Ёқубовнинг қатъий тартиб-интизоми, санъаткор одобига риоя этиши, энг чекка ҳудудларда ҳам халқимизга сидқидилдан хизмат қилиши диққатга сазовор.

Дарҳақиқат, миллий қўшиқчилигимиз ривож йўлида фидокорона меҳнат қилган санъаткорлар фаол кўллаб-қувватланмоқда. Уларнинг бой ижодий тажрибаси санъат йўналишидаги олий ўқув юртлири, болалар мусиқа мактабларида оммалаштирилмоқда.

Мусиқа оқшомида сўзга чиққан Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти Муножот Йўлчиева, Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир, Ўзбекистон халқ артисти Фаррух Зокиров Ғуломжон Ёқубовнинг ўзига хос ижод йўли ҳақида атрофлича фикр билдирдилар. У ҳар йили таваллуд айёми арафасида мухлисларига катта концерт дастурини тақдим этиши, ижодда бетақдор мактаб яратгани, ўз ортидан кўплаб шогирдларни эргаштириб келаётгани эътиборга молик.

Ғуломжон Ёқубов узоқ йиллардан буён миллий қўшиқчилик ривож йўлида самарали ижод қилиб келмоқда. Ўзбек санъатини юртимиз ва хорижда тарғиб

этишда устоз санъаткорнинг ҳам фаол ҳиссаси бор.

— Ғуломжон Ёқубов мумтоз мақом йўналишида ҳам маҳорат билан куйлайди, — деди Ўзбекистон Қаҳрамони Муножот Йўлчиева. — Ортидан кўплаб ёшларни эргаштира олган устоз санъаткорга ижод завқи доим ёр бўлишини тилаймиз. — Ғуломжон Ёқубов қайси даврага кирса, ўша даврага албатта фойз кирди, — деди Ўзбекистон халқ артисти Фаррух Зокиров. — Унинг одоби, муомала маданияти, сахна маданияти, томоша-бинларга хурмати ёшларга намунадир. Президентимизнинг санъат ривожига кўрсатаётган чексиз эътибори Ғуломжон Ёқубов меҳнатларининг шундай юксак эътирофиди ҳам намоён бўлди.

Ғуломжон Ёқубов Тошкент театр ва расомлик санъати институтини 1973 йилда тугатган. Жиззах мусиқали драма театрида (1973—1974), Ўзбек давлат филармониясида (1967—1968 ва 1974-йилдан) яққол хонанда сифатида фаолият кўрсатган.

Унинг репертуари муҳаббат, гўзаллик, Ватан мавзусидаги қўшиқ ва ашулардан иборат. Унинг атоқли созанда ва бастакор, Ўзбекистон халқ артисти Абдуқошим Исмоилов билан ҳамкорликда яратган қўшиқлари халқимиз томонидан илқ қўтиб олинган. Устоз санъаткор репертуаридан озарбайжон, эрон, турк, хинд, уйғур ва бошқа халқларнинг қўшиқлари ҳам ўрин олган.

Ғуломжон Ёқубов миллий мумтоз ва эстрада йўналишидаги қўшиқларни ҳам маромига етказиб ижро этади. Устоз санъаткор 1985 йилда "Мелодия" ижодий фирмасининг "Олтин диск" мукофоти билан тақдирланган. Истиқлол йилларида моҳир санъаткор "Дўстлик", "Эл-юрт хурмати" орденларига сазовор бўлган.

Мусликий оқшомда мамлакатимиздаги етакчи бадийи жамоалар, таниқли хонандалар, ёш ижрочилар атоқли хонанда ижоди хусусида атрофлича фикр билдирди.

— Менинг санъат йўлидаги меҳнатларим шундай эъзозланганидан жуда мамнунман, — деди Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти Ғуломжон Ёқубов. — Санъатсевар халқимизга бетақдор қўшиқлар тақдим этиш йўлида бундан буён ҳам ўз куч-ғайратимни аямаяман.

Тантанали мусликий кечада Ватанни, мамлакатимизда кечаётган янгиланиш жараёнлари, меҳр ва садоқат, инсонийлик, гўзаллиқни тараннум этувчи куй-қўшиқлар ижро этилди.

Назозат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири

Вилоятимизда жорий йилнинг май-июнь ойларида фуқаролар йиғини раисларининг навбатдаги сайлови бўлиб ўтади. Бу ҳақда Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг шу йил 21 февралда бўлиб ўтган навбатдаги сессиясида тегишли қарор қабул қилинди. Фуқаролар йиғини раислари сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишга кўмаклашиш билан боғлиқ чора-тадбирлар белгиланди.



"Фуқаролар йиғини раиси сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 10-моддасига мувофиқ, фуқаролар йиғини раиси сайловини ўтказиш мuddатлари сайлов бошланишидан камиди икки ой олдин Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, Халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари томонидан белгиланади. Бу галги сайловлар Ўзбекистон Республикасининг 2025 йил 11 февралдаги "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонуни талабларидан келиб чиққан ҳолда ўтказилади.

Маълумки, мазкур қонун билан "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги ва "Фуқаролар йиғини раиси сайлови тўғрисида"ги қонунларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган. Улар ҳақида сессияда батафсил маълумот берилди. Бу ўзгаришлар нималардан иборат?

Авалло, Олий Мажлис Сенати Кенгашининг фуқаролар йиғини раислари сайловларини ташкиллаштиришга оид ваколатлари, жумладан, маҳалла раиси сайловини ўтказиш мuddатларини белгилаш, сайловга тайёргарлик тадбирлари ва тартибини белгилаш Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, Халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларига ўтказилди.

Ҳақиқатан ҳам, маҳалла раиси сайловига тайёргарлик тадбирлари маҳаллий кенгашлар томонидан амалга оширилиши ушбу жараёнларнинг ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ўтказилишини таъминлайди, айна вақтда, маҳаллий кенгашлар масъулиятини оширади.

Яна бир ўзгариш шундан иборатки, фуқаролар йиғини раиси ваколатлари мuddати беш йил этиб белгиланди. Авваллари бу мuddат уч йил эди.

Таъкидлаш лозимки, сўнгги йилларда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан маҳалла фуқаролар йиғинларининг фаолият самардорлиги оширилди. Маҳалла том маънода, ҳар бир оила, ҳар бир инсон қувончи, муаммоси, дарду ташвишлари билан яшайдиган халқчил тузилмага айланиб бормоқда. "Маҳалла еттиллиги"нинг умумий раҳбари сифатида маҳалла раисларининг масъулияти ошиб бораётди. Ана шундай бир вақтда раисларнинг ваколат мuddати қисқалиги ўз билим ва тажрибасини амалиётда қўллаши, белгиланган режаларни тўла ва сифатли амалга ошириши учун етарли эмаслиги аниқ бўлиб қолди. Бунинг йиллар тажрибаси кўрсатди.

Қонунчиликка ушбу янги норманинг киритилиши бўшаб қолган ўринга янги сайланган маҳалла раислари тўлиқ беш йил давомида фаолият юритиб, маҳалла ҳудудидида амалга оширмоқчи бўлган вазифаларини бекаму кўст бажариши учун имконият яратди.

Маҳаллалар раислари сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи комиссиялар ваколатлари аниқлаштирилди. Бу ҳам жуда муҳим масаладир. Фуқаролар йиғинлари раислари сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи республика комис-

сиясини тузиш амалиётига барҳам берилди. Шунингдек, вилоят ҳамда туман даражасидаги сайловларни ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи комиссияларнинг ваколатлари алоҳида-алоҳида қайд этилиб, вазифаларининг чегаралари ҳам белгилаб берилди.

Шундан келиб чиқиб, вилоят комиссиясига фуқаролар йиғинлари раислари сайловини ташкил этиш ва ўтказиш, сайловни ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи туманлар ва шаҳарлар комиссиялари фаолиятини мувофиқлаштириш, фуқаролар йиғинлари раислари сайловига доир ҳужжатларнинг, шунингдек, бюллетенларнинг намуналари ва шакллари тасдиқлаш, сайлов яқунлари тўғрисида ахборотни умумлаштириш, бу ахборотни кенг жамоатчилик эътиборига етказиш ва бошқа ваколатлар берилди.

Кўриниб турибдики, сайловларни ташкил этишдаги асосий масъулият маҳаллалар раислари сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи вилоят комиссияси зиммасига тушмоқда. Шуларни эътиборга олиб, мазкур комиссия таркибига муайян ҳаётини ва меҳнат тажрибасига эга бўлган, обрў-эътиборли инсонлар танланди. Вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманларида ҳам ана шу талаблардан келиб чиқиб, кўмаклашувчи комиссия таркиби шакллантирилди.

Шу кунларда комиссия аъзолари аҳоли ўртасида Ўзбекистон Республикасининг "Фуқаролар йиғини раиси сайлови тўғрисида"ги Қонуни ҳамда унга киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини тушунтириш билан шуғулланмоқдалар.

Фуқаролар йиғини раиси сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга доир тавсиялар ва намунавий ҳужжатлар тўплами тайёрланмоқда. Аҳолини сайлов жараёнларидаги фаоллигини оширишга қаратилган тадбирлар ташкиллаштирилмоқда.

Дарҳақиқат, олдимизда мазкур муҳим жараён билан боғлиқ қатор ишлар турибди. Худудларда фуқаролар йиғинлари кесимида сайлов ёшига тўлган фуқароларнинг умумий рўйхатини шакллантириш, фуқаролар йиғини раиси сайлови ўтказиладиган манзилларни аниқлаштириш кабилар ана шулар жумласидандир. Шу мақсадда Фуқаролар йиғинлари раислари сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи вилоят, шаҳар ва туман комиссиялари ҳамда ишчи гуруҳлар аъзолари учун семинар-тренинглар ўтказишни бошлаб юборганимиз. Бир сўз билан айтганда, сайлов билан боғлиқ барча ташкилий ишлар эътиборимиз марказида турибди.

Мақсадимиз битта. Вилоятимиздаги мавжуд 1 минг 25 та маҳалла фуқаро йиғинларида бу жараённи намунали ўтказиш баробарида йиғин раиси лавозимига энг муносиб номзодларни сайлашга эришиш.

Раис — маҳалла оқсоқоли. У бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли илохотларнинг ўз ҳудудидидаги фаол тарғиботчиси ва ташкилотчиси бўлмоғи лозим.

Маълумки, кейинги йиллардаги халқчил ва ҳаётини илохотлар жараёнида "маҳалла еттиллиги"га нафақат қўшимча ваколат ва имкониятлар тақдим этиляпти, балки уларнинг масъулияти ҳам оширилмоқда. Хусусан, уларга аҳолининг эҳтиёжманд қатламига ижтимо-

Йўлимиз танлаймиз — сайлаймиз

ий ёрдам кўрсатиш ва субсидиялар ажратиш ваколати билан бирга, ушбу ёрдамларнинг мақсадли ва манзилли йўналтирилишига масъуллик ва жавобгарлик ҳам юкланди. Бу ишларнинг бошида, шубҳасиз, маҳалла раиси туради. Шундай экан, сайлов жараёнидан ҳеч ким четда қолмаслиги керак.

Ишчи гуруҳи томонидан тегишли ҳудудда доимий яшовчи фуқароларнинг фикрини инобатга олган ҳолда фуқаролар йиғини раиси лавозимига номзодлар бўйича тақлифлар шакллантирилмоқда. Фуқаролар йиғини раиси лавозимига номзодлар ҳақидаги ахборотлар фуқаролар йиғини биносига ва гузарларга қўринарли қилиб жойлаштирилади ҳамда интернет тармоқларида маълумотлар берилди.

Бу ва бошқа вазифаларни амалга оширишда вилоят, шаҳар ва туман кўмаклашувчи комиссия аъзолари ҳамда маҳаллалардаги ишчи гуруҳ аъзоларининг ўрни жуда катта эканлигини сайлов жараёнига жалб этилганларнинг барчаси жуда яхши биладилар. Сайловларни барчамиз биргаликда, аҳиллик билан ўтказиб олишимиз лозимлигини унутмаслигимиз шарт. Чунки, маҳалла раисларини шу маҳалла аҳли — ўзимиз танлаймиз ва ўзимиз сайлаймиз. Шундай экан, олдимизга қўйилган вазифа ва топшириқларни сидқидилдан бажарган ҳолда вилоятимизда фуқаролар йиғини раислари сайловини намунали ташкил этамиз.

Сайёра ФАЙЗИЕВА,
Халқ депутатлари Тошкент
вилояти Кенгаши раиси

MUROJAAT, MULOQOT, YESHIM



Qabullarda, avvalo, fuqarolarga "Ijtimoiy davlat" prinsiplariga ko'ra, aholining ehtiyoj-mand, bir martalik yordamga muhtoj qatlam, shuningdek, nogironligi bo'lgan shaxslarga amaliy yordam ko'rsatish tartibi, qonunchilikdagi yangiliklar atroflicha tushuntirildi.

Sayyor qabulning dastlabkisi Yangiyo'l tumanida bo'lib o'tdi. Unda Yangiyo'l shahri, O'rta Chirchiq, Quyi Chirchiq, Zangiota tumanlari aholisining murojaatlari tinglanib, birgalikda yechim izlandi.

— O'tgan yili 30 sotix yerni auktsion savdosida yutib olgan edik, — deydi O'rta Chirchiq tumanining "Yangilik" mahallasidan kelgan Mukambar Islomova. — Hozirda oilamiz bilan dehqonchilik qilyapmiz. Motokultivatorimizda

(Davomi. Boshlanishi 1-sahifada)

tomorqa xo'jaliklariga ham xizmat ko'rsatishni boshlagan edik. Ammo texnika emasmiz, motokultivator tez-tez buzilib, ishni orqaga tortmoqda. Bugun shu masalada murojaat qildim. Viloyat hokimining tushirig'iga ko'ra, yangi mini-tractor olib berishadigan bo'ldi. Bundan juda xursandmiz.

Ikkinchi sayyor qabul Oqqo'rg'on tumanidagi kasb-hunarga o'qitish markazida bo'ldi. Unda Bekobod shahri hamda Piskent, Oqqo'rg'on, Bo'ka, Bekobod tumanlari aholisi qamrab olindi. Qabulda 260 ga yaqin murojaatlar ko'rib chiqildi. Aholi tomonidan uy-joy ajratish, ishga joylashish, kadastr hujjatlarini rasmiylashtirish, tadbirkorlik faoliyatini boshlash, bepul tibbiy yordam olish, shuningdek, oilaviy masalalar bo'yicha murojaatlar bo'ldi.

Qabulda 500 ga yaqin murojaat ko'rib chiqildi. Jumladan, viloyat hokimi Zoyir Mirzayev 221 nafar fuqaro bilan suhbatlashdi, murojaatlarini o'rgandi.

Shundan 39 nafar fuqaroning muammosi joyida hal etildi, 61 ta masala yuzasidan huquqiy maslahatlar berildi. Yechimi muayyan muddat talab etadigan muammolar bo'yicha "yo'l xaritalari" tuzilib, mas'ullarga birlashtirildi va ijrosi qat'iy nazoratga olindi.

Qabulning uchinchi kuni Olmaliq shahrida o'tkazildi. Unda Angren, Olmaliq, Ohangaron shaharlari hamda Ohangaron tumanidan kelgan 472 nafar fuqaroning bank va kredit, tibbiy xizmat ko'rsatish, ta'lim, kommunal soha va boshqa masalalar yuzasidan murojaatlari o'rgandil.

— Bugungi sayyor qabulda fuqarolarning murojaatlari Oliy sud raisining o'rinbosari, viloyat sudi raisi va o'rinbosarlari tomonidan o'rganildi, — deydi viloyat sudi axborot xizmati rahbari Sherzod Xudayberdiyev. — Qabulda 67 nafar fuqaroning 28 nafari jinoyat, 31 nafari fuqarolik, 7 nafari ma'muriy va 1 nafari iqtisodiy ishlar bo'yicha, qolganlari esa boshqa masalalarda murojaat qilishdi. Ulardan 18 tasi ijobiy hal etildi, 49 tasi bo'yicha huquqiy tushuntirish berildi. Shuningdek, sayyor qa-



bulda jinoyat ishlari bo'yicha sudlar tomonidan taqdimnoma va iltimosnomalar asosida ozodlikni cheklash, axloq tuzatish ishlari va muayyan huquqdan mahrum qilish jazosini o'tayotgan 41 nafar mahkum jazoni o'tashdan muddatidan ilgari shartli ravishda ozod qilindi, 37 nafar mahkumning o'talmay qolgan jazosi yengilroq'iga almashtirildi, qamoqdagi 5 nafar shaxs sud zalidan ozod etildi.

Sayyor qabulda kadastr, yo'l qurilishi bo'yicha ham murojaatlar ko'p bo'ldi.

— Mahallamizdagi avtomobil yo'li yaqinda foydalanishga topshirilgan edi, — deydi Ohangaron tumanining "Ilg'or" mahallasida yashovchi Nishonboy ota Tanboyev. — Ammo hududimizda ko'plab qurilishlar bo'layotgani sababli og'ir

yuk tashuvchi avtotransport vositalari qatnovi ko'paydi. Natijada yo'llarimiz yana nosoz ahvolga kelib, aholiga qiyinchiliklar tug'dirmoqda. Shu bo'yicha murojaatimiz ijobiy hal qilinadigan bo'ldi.

To'rtinchi sayyor qabul Chirchiq shahridagi "Kimyogarlar" madaniyat saroyida bo'lib o'tdi. Qabulda Parkent, Bo'stonliq, Yuqori Chirchiq, Qibray, Toshkent tumanlari hamda chirchiqlik fuqarolarning murojaatlari tinglanib, aksariyat ijobiy hal etildi.

Ommaviy sayyor qabullarda O'zbekiston Respublikasi Prezidenti maslahatchisining birinchi o'rinbosari Umar Ismoilov ishtirok etdi.

O'z muxbirimiz

Рамазон келди, Рамазон!

Дилларимизга сурур, қалбларимизга сокинлик, ҳузур-ҳаловат улашиб муборак Рамазон оии кириб келди. Бу ойнинг файзи ва шукуҳи ўзгача. Бу ой бежиз орқиқиб қутилмайди. Унда минг ойларга татийдиган кеча бор. Бу ойда сўзларнинг энг улуғи – Каломуллоҳ нозил бўлган.

▼ Шукуҳ



Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг махсус қарори асосида муборак ойнинг мазмун-моҳиятида мужассам бўлган инсонийлик, маънавий поклик, сабр-қаноат каби фазилатларни эъзозлаш, бугунги тинч ва фаровон ҳаётимизни қадрлаш, одамларни бир-бирига яхшилик қилиш, аҳил ва ҳамжихат бўлиб яшашга даъват этадиган ҳамда ёш авлодни она Ватанга муҳаббат, азалий анъана ва қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашга хизмат қиладиган тарбиёт тадбирларини ўтказиш алоҳида белгиланди.

Рўзанинг жуда кўп ва турли-туман фойдалари бор. Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам бизни ана шу фойдаларга тарбиб қилганлар.

Расулulloх соллаллоху

алайҳи ва салламнинг “Рўза тутинглари, соғлом бўласизлар” (Имом Табароний ривояти) деган муборак сўзлари замирида қанчалик ҳаётий ҳақиқатлар мужассам экани намоён бўлади.

Тиббий-илмий изланишлар натижасида рўзанинг турли жисмоний ва руҳий касалликлардан ҳимояланишда ва уларнинг олдини олишда фойдаси борлиги исботланган. Баъзи мисолларни айтадиган бўлсак: рўза инсондаги касалликларга қарши қобилиятни (иммунитет) кучайтиради, чунки рўза тутган одамда ушбу мақсадга хизмат қилувчи ҳужайралар ўн марта кўпайиши илмий исботини топган.

Айнан Рамазон оии мунособати билан қанчадан-қанча кам таъминланган оилалар ҳолидан

хабар олинади, бева-бечора, етим-есирларга кўмак бериларди. Нега? Чунки одам рўза тутиб, очнинг ҳолини ҳис этади, ташнанинг аҳволини англаб этади. Шу боис уларга ёрдам беради.

Бу ойда ҳар бир қилинган амалнинг эвазига 70 тадан 700 тагача савоб берилиши ҳадиси шарифда баён этилган: “Ҳар бир хайрли амалга ўн баробардан етти юз баробаргача савоб берилади” (Имом Табароний

ривояти).

Рамазон бу – Қуръон оии. Унинг кечаларини қориларнинг гўзал қироатлари билан таровеҳлар безаб туради. Аллоҳнинг каломини хатм қилиш, уни тинглаш, ундан баҳра олиш ниятида Исрол уммати таровеҳларга шошилади. Бу муборак кечаларда гуё нур заминдан самога кўтарилаётгандек бўлади.

Жасурбек домла РАУПОВ, Тошкент вилояти бош имом-хатиби

▼ Муаллимлар ҳақидаги ҳикоялар

РАШИДОВГА МАҚТАЛГАН



Болаликни эслаб...

Онамнинг ҳар тонги иккита сигирни соғишдан бошланар эди. Оилада тўнғич фарзанд бўлганим учун мен ҳам эрта турардим. Ойим билан биргаликда молларнинг тагини тозалардим. Бу орада онам соғилган сутни қозонга солиб, хас-хашакларни йиғиб, ўчоққа ўт ёқарди. Туни билан ивигилган қатиқни қувига соларди. Сут пишганч укаларимни уйғотар, биргаликда нонушта қилар эдик. Нон, чой, сут билан. Кўпинча эрталаб ёйишга бошқарс бўлмасди. Кейин бизни мактабга жўнатиб, ўзи ҳам далага отланарди. Мактабдан қайтганч, қўлимга ўроқ, турвада яримта нонни олиб, мен ҳам далага кетардим. Бел оғриб, чарчаганимча ойимнинг ёнида ишлар эдим. Пахта чопиқми, яғанамми, нима иш қилсак-да, чиққан ўт-ўланларни этакка солиб, елкамизга ортмоқлаб молларга олиб келар эдик. Ҳовлига қайтганимизда молларнинг олдида ўти қолмаган, яна сувсаб ётган бўларди. Кейин ойим нон ясашни бошлар, мен тандирга ўт ёқардим. Нон пишгандан кейин кечки овқатга уннаш керак.

Томорқада ҳам иш қайнаб ётарди. Чунки ўша пайтлари қишлоқ одамлари ўзида ери, имконияти бўла туриб, мева-чева, сабзавотларни бозордан сотиб олишга уялар эди. Пилла мавсумида ҳам тиним бўлмасди. Пилларни топширгандан кейин эса уйларни тозалаш азобини айтинг...

Биз учун ҳаёт қолига солинган, ҳар кунимиз бир хил ўтар эди. Киноларга тушишни ҳаёлга ҳам келтирмасдик, вақтимизни қизганиб. Бироз бўш фурсат топсак, қизиқиб китоб ўқирдик. Шу боисданми гоҳида, ота-оналаримизни ҳам бизни ўқиймиз эмас, уларнинг юмушларига ёрдамчи бўлганимиз кўпроқ қизиқтирса керак, деб ўйлар эдим. Аммо, ундай эмас экан...

Отанинг насиҳати

У онасининг далада кетмон чопиб эзилганларини кўравериб улғайди.

Келиш

Яхши ният – ярим давлат, дейишгани рост экан. Улуғ мақсадларни кўлаб тиниб-тинчимайдиган Кимёхон тумандаги 11-сонли ўрта мактабни муваффақиятли тамомлагач отасига берган ваъдасининг ҳам устидан чиқди. Тошкент ирригация ва қишлоқ ҳужалигини механизациялаш муҳандислари институтининг талабаси бўлди.

Ўшанда ҳар гал уйга борган пайтлари институтда бўлган қизиқарли воқеалар, амалиётни қандай ўтаётганлари ҳақида ота-онаси, укалари ва сингилларига ҳаяжон билан гапириб беради. “Каттабойлик қизнинг катта орзулари ушалапти, ойижон, – дерди уларга қулиб. – Ёдингиздами, мактабни битирганимда ҳам аттестат, ҳам ҳайдовчилик гувоҳномаси олгандим. Институтни тамомлагач эса ҳам дип-

лом, ҳам тракторчилик праваси оладиган бўламан!”

Каттабойлик қизнинг катта орзуси

Аммо ҳаёл бошқа, ҳаёт бошқа экан. Мактабда шофёрлиқни, институтда тракторчиликни ҳам ўрганиб олган шаддод қиз олийгоҳни тамомлагач, киндик қони тўкилган қишлоғига қайтолмади. Уни олийгоҳда бирга тахсил кўрган сабоқдоши, пискентлик Тоиржон Дадабоев деган йигитга узатишди. Опа ўша кунларни шундай эслайди:



Ўз соҳасининг етук мутахассиси бўлиш, зиёлилар даверасида фаолият юритиш ҳар кимга ҳам насиб этавермайдиган бахт. Аммо менинг фикримча, аёл учун оиланинг ўзи – бир илмий асар! Чунки одам оилада ҳаёт илмини ўрганади. Эр-хотин ҳар қандай вазиятда, ҳатто аразлашиб қолганда ҳам бир-бирини тушуниши керак. Эр-хотиннинг орасида “стержен”, яъни бузиб бўлмас куч бўлади. У оилани тутиб турувчи асосий таъинчидир.

Ҳаётнинг мазмунини деганда ёшликда фақат гўзалликни тушунар эдик. Лекин йиллар ўтган сари ҳар қадамимизда ҳикмат ва мантқиқ излаб қолар экансан. Чин дўстлар эса ҳаётингга мазмун бағишлар экан.

Дейдиларки, бир донга бугдўйнинг бир ҳовуч донга, дарахтда ниш ўрган кўртакларнинг шигил ҳосилга айланиши ҳам, тоғлар бағрида равои йўллар қурилиши ҳам инсон меҳнати билан. Албатта, буларнинг бари ўқиб, ўрганиш ва касб-хунарни пухта эгаллаш эвазига бунёд бўлади. Ватан, эл-юрт шундан куч-қувват олади ва гуллаб-яшнайдди. Ҳар бир йигит-қиз ёшлагидан бирор хунар ва касб этагидан тута, ўз келажagini таъмин этган бўлади.

Кўп йиллик кузатишларимдан хулоса қилиб айтсак, педагогикада худди японлар каби аввал одоб ўргатиш бизнинг миллатга беғона эмас. Япон тажрибасининг диққатга сазовор томони шундаки, улар то 4-синфгача таълим ҳақида эмас, асосан тарбия ҳақида қайғуришади. Ота-онага, устозларга, дўстларга ва табиатга меҳр ҳам уларда болаликдан ўргатилади. Бу фақат

– Оила қурганимиздан кейин турмуш ўртоғим ўз соҳам бўйича ишлашимга қаршилиқ қилмадилар. Дастлаб ишни тумандаги 1-сон касб-хунар мактабда ўқитувчиликдан бошлаганман. Қаранг-а, шунгям салкам ярим аср бўлибди.

Бир кунни катта йиғилишда райком котиби Турсунат ака Холбоев, “Назаримда пишиққина қизга ўхшайсан. Пахта даврида сенгям терим машинаси ажратсак, “Пискент” совхозида бир ўзингни синаб кўрмайсанми?” деб қолдилар. Ёшман, куч-қувватим, ғайратим бор. Чин кўнгилдан рози бўлдим. Оилангдагилар ҳам, ишдаги раҳбарлар ҳам ҳар томонлама қўллаб туришса, одам чарчаганини билмас экан. Завқ-шавақ билан иш бошладим. Кундан-кун терим суръати ҳам ошиб борарди. Бир кунни гуриллатиб машинани ишлатиб, бункерни пахтага тўлдириб, энди уларни прицепга тўккани дала четига бурилсам, ўн-ўн беш метр нарида райком котибига кўзим тушди. Ёнлариди беш-олти нафар костюм-шимли кишилар. Райком амаккимиз “Бу ёққа туш!” деб ёнларига имладилар. Машинадан тушиб, румолим, кийимларимнинг чангини қолдим-да, салом бердим.

– Шароф Рашидович, сизга мактаган қизимиз шу! – деди райком котиби ёнлариди турган истараси иссиқ одамга. – Ўзи билим юртида ўқитувчи.

Турсуно Охуновага ўхшаб механизатор бўламан деган қизларимизни ўқитади. Яна йиғим-терим мавсумида кўнгилли бўлиб, ўзингиз кўрганингиздек, машинада тонналаб пахта терапияти...

Ишонасизми, ўша дақиқаларда мендан бахтли одам йўқ эди! Чунки кимсан, юртнинг каттаси – Шароф Рашидовдек инсон вақт ва имкон толиб, тупроқ кечиб олдинга келса, мендек оддийгина аёл билан оталарча меҳрибонлик билан дилдан суҳбатлашса!

Ўша оқшом юрагимда ҳаяжон ва севинч, кўзларимда ёш билан уйга қайтдим. Маҳалламга кириб боряман-у, “Тавба, аёл боши билан тракторчилик қиламан дейди. Шу ишда қосаси оқараймикин?! Институтни битирибсан, топмайсани соя-салқин ишларни...” деб ортимдан ғийбат қилган айрим ғаламисларнинг гаплари қулоқларим остида жаранглар эди...

Биласизми, Валентин Пикун деган рус ёзувчиси нима деган экан? Унга: “Ўзингизга шунча кўп душман орттирибсиз-а? Нималар қилясиз ўзи?” деб савол беришганида, “Бунинг учун оламшумул ишлар қилиш шарт эмас. Ўз ишининг сидиқлиддан бажар, ҳаммаша ҳақиқатни сўзла, ҳеч кимга ялтоқчилик қилма – шунинг ўзи ҳар бир қавақдан биттадан ит чиқиб сени қолиши учун етарли бўлади”, дея жавоб берган экан...

Оиланинг ўзи – бир илмий асар

Суҳбатлашиш мақсадида илм масканига борганимда Кимёхон Умаровани топа олмадим. Лекин қизи Гулбаҳор у қолдириб кетган дафтарни қўлимга тутқазди. Муаллиманинг бир одати бор экан: гоҳида ҳаёлидан ўтган мулоҳазаларни ана шу дафтарга ёзиб борар экан. Уни варақлаб, ўзим учун ҳам, бошқалар учун ҳам қизиқ бўлган айрим саволларга жавоб олдим...

бизда – таълим ва тарбияни қўшиб олиб борадиган миллатдагина мужассам.

Дарёга яхшилик қилсанг, ажрини биёбондан топасан, дейишади. Бундай жафокашлик, табиийки, жавобсиз бўлмайди. Ўқитувчилик касбининг ўзи жафокашлиқни талаб қилади. Ўргансагу ўргатмасақ, ким бизни УСТОЗ дейди?

Баъзан асосий машғулотлар тугагач, қизларнинг ўзларини олиб қолиб, уларни қизиқтирган турли мавзуларда суҳбатлар ўтказиб тураман. Чунки қизларимиз қайси касб-хунарни эгаллашдан қатъи назар келажакда бекаму кўст бека бўлиши кераклигини ўқтираман. Қажагонлар гоҳи “Устоз, муҳаббат нима?” деб савол беришади. Муҳаббатни ички туйғуларингиз орқали ўзингиздан топишга ҳаракат қилинг, дейман уларга. Ҳаётдан олган хулосам шуки, оддий муҳаббатдан катта муҳаббат тугилар экан. Кўнгул тозаллиги эса чин муҳаббат белгисидир. Бу туйғулар инсонда ҳар кун, ҳар сония учрайди. Фарзандлар тарбиясидан тортиб дўстлар муносабатига – барчаси муҳаббатга айланса, бизга куч беради.

Аёлларимизнинг баъзилари “Берсанг ейман, урсанг ўламан”, деган тоифадан бўлади. Ундай онанинг қўлида тарбия топаган бола ҳам қўлтабиатдир. Аёлларимиз уйда ўтирадилми ё ишда бўладими, аввало, қалбан уйгоқ бўлишсин. Мамлакатнинг бор-йўғи билан қизиқадиган, миллатнинг эртаси учун эркаклар қаторида қайғурадиган бўлишсин. Бир этак бола орттириб, саломатлигини

синдириб, фарзандларини ҳар кўчада қолдирадиган аёлдан нима кутиш мумкин? Баъзан ҳатто шундай “зиёли” бекаларимиз ҳам борки, на газета, на китоб ўқийди ва на телевидорда берилаётган янгиликларга қизиқади.

Турсуно Содиқованинг кўп китобларини маза қилиб ўқиганман-да! “Оналиги қолиб, рўзгорнинг “қумурсқа”ларига ем бўлган, аёллик дунёсини унутиб, динга муккасидан берилган аёл худбиндир. Аёл учун жами истак ва фаолиятнинг яқка йўналиши фарзанд тарбияси бўлиши керак. Бу майда иш эмас, аксинча буюк сийёсатдир”, – дегандилар бир суҳбатда Турсуно опа.

Менинг муваффақиятларим нафақат ишда, балки оиланда шаклланган... Шукрим, фарзандларимнинг ҳаммаси олий маълумотли, турли соҳа мутахассислари бўлиб етишдилар. Катта қизим Гулбаҳор Тошкент педиатрия тиббий институтини тамомлаган. Ҳозирда оилавий поликлиника мудири. Иккинчи қизим Дилфуза билан ўғлим Шавкат менинг касбимни танлашди. Иккаласи ҳам Тошкент ирригация ва қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш муҳандислари институтини битириб, Дилфуза касб-хунар мактабиди, Шавкат ўзи тахсил олган олийгоҳда ўқитувчи бўлиб ишляпти. Фарзандларимга она, набираларимга буювжон бўлганим – бекиёс бахт. Бир умр севган касбимда ишлаб келганим ҳам бахт. Эл ишончини қозониб, Ватанга хизмат қилиб келаятганим эса улкан саодат.

Кимёхон Умарованинг қалб дафтаридидаги бу изҳорлар лавҳамизга гўзал яқун бўла олади...

Рўза тутиш (сахарлик, оғиз ёпиш) дуоси

Навайту ан асувама совма шаҳри рамазона минал фажри илал магриби, холисан лиллаҳи таъаалаа Аллоху акбар.

Маъноси: Рамазон ойининг рўзасини субҳдан то кун ботгунча тутмоқни ният қилдим. Холис Аллох учун Аллох буюкдир.

Ифторлик (оғиз очиш) дуоси

Аллохумма лака сумту ва бика ааманту ва аълайка таваккалту ва аълаа ризқика афтарту, фағфирли ма қоддамту ва маа аххорту бироҳматика йаа архамар рооҳимийн.

Маъноси: Эй Аллох, ушбу Рўзамни Сен учун тутдим ва Сенга йймон келтирдим ва Сенга таваккал қилдим ва берган ризқинг билан ифтор қилдим. Эй меҳрибонларинга энг меҳрибон, менинг аввалги ва кейинги гуноҳларимни мағфират қилгин.

Тўхтамурод ҲАСАНБОВЕВ, “Тошкент ҳақиқати” муҳбири

